

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

ИЗЗАТИЛЛАЕВ ЖЎРАБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ АСОСИДАГИ
МИКРО ЭЛЕКТР ТИЗИМЛАР**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Иззатиллаев Жўрабек Олимжонович

Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр
тизимлар..... 3
.....

Иззатиллаев Журабек Олимжонович

Микроэлектрические системы на основе возобновляемых источников
энергии..... 121
.....

Izzatillaev Jurabek Olimjonovich

Micro electrical grids based on renewable energy sources..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

ИЗЗАТИЛЛАЕВ ЖЎРАБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ АСОСИДАГИ
МИКРО ЭЛЕКТР ТИЗИМЛАР**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Илмий-техника маркази МЧЖида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг (www.tdtu.uz) веб-саҳифасида ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муратов Хаким Махмудович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гойибов Тўлқин Шерназарович
техника фанлари доктори, профессор

Болтаев Отабек Ташмухамматович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

«Ўзэнергоинжиниринг» АЖ

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-03-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р. Аллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор, академик

О.Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби т.ф.д.,
профессор

М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва энергия ресурсларини ташкил этувчи турли углеводородли ёқилғиларни тежаш, ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга сифатли ҳамда узлуксиз етказиб бериш кўламини кенгайтириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... замонавий энергетика саноати учта асосий, аммо кўпинча зиддиятли вазифаларни ҳал қилиши керак: хавфсизликни таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш ва экологик тозалик учун курашиш»¹. Бу борада, жумладан, атроф-муҳитга зарарсиз ҳолда истеъмолчиларнинг электр таъминоти тизимини ривожлантириш ва микро электр тизимларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг энергетика соҳасида микро электр тизимларни жорий этиш орқали истеъмолчиларнинг электр таъминоти мустаҳкамлигини ошириш, электр энергиясини узатишда ортикча исрофга йўл қўймаслик ҳамда экологик жиҳатдан соф (арзон) электр энергия ишлаб чиқарилишига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, ҳудуддаги энергетик ресурслар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларни яратишнинг техник-иқтисодий ва экологик асосларини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, интеллектуаллаштирилган автоном микро электр тизимларни яратиш, иш режимини бошқариш алгоритми ва электр энергия истеъмолининг қисқа муддатли башоратлаш усулини ишлаб чиқиш, энергетик ва иқтисодий-экологик самарадорлигини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган энергетика соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда сифатли электр энергия ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш ишончилигини ошириш, электр энергия исрофини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия ва ресурс тежайдиган автоном

¹ <https://www.elec.ru/interview/intellektualnye-mikroseti-svyazuyushee-zveno-mezhd/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

микро электр тизимларни яратиш, электр энергия ишлаб чиқарилишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва микро электр тизим иш режимларини оптималлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Микро электр тизимларни жорий этиш орқали электр таъминоти ишончилигини ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан National Technical University of Athens (Юнонистон), Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of California (АҚШ), Aalborg University (Дания), Imperial College London (Англия), Россия Фанлар Академиясининг Юқори ҳароратлар қўшма институти, Миллий тадқиқот университети «МЭИ» ва Санкт-Петербург давлат политехника университети (Россия), Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Илмий-техника маркази масъулияти чекланган жамиятида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Микро электр тизимларда электр энергия манбалари сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш усуллари ва воситаларининг илмий асосларини ечишга қаратилган назарий ҳамда илмий муаммоларни ҳал қилишда ҳорижлик бир қатор машҳур олимлар, В.П. Харитонов, П.П. Безруких, В.В. Елистратов, В.И. Виссарионов, О.С. Попел, Д.С. Стребков, В.И. Велькин, В.В. Харченко, Е.Н. Соснина, Б.В. Лукутин ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Микро электр тизимлар асосини ташкил қилувчи интеллектуал электр тармоқларни ривожлантириш ва амалиётга жорий этиш муаммолари юзасидан эса В.В. Волобуева, Н.И. Воропай, Б.Б. Кобец, П.В. Глущенко, J.M. Guerrero, N.D. Hatzigiorgiou, S.A. Parathanassiou, K. Fukushima, Y. Parag каби олимлар томонидан кўп изланишлар олиб борилган.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, электр тизимлари самарадорлиги ва ишончилигини ошириш борасида Х.Ф.

Фозилов, Ж.А. Абдуллаев, Р.А. Заҳидов, Т.Х. Носиров, Қ.Р. Аллаев, Х.М. Муратов, Ф.А. Ҳошимов, Р.А. Ситдиқов, Т.Ш. Гойиқов, Р.Р. Авезов, Ў.А. Таджиев, М.М. Муҳаммадиев ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб бориб, бир қатор ижобий натижаларга эришишган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларни яратиш ва истеъмолчиларнинг электр таъминоти самарадорлиги ҳамда ишончилигини ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда марказий электр узатиш тармоқларига уланмаган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларни яратиш, микро электр тизим иш ҳолатларини моделлаштириш, бошқариш алгоритми микро электр тизимларида электр энергия истеъмолининг қисқа муддатли башоратлаш усулини ишлаб чиқиш, энергетик ва иқтисодий-экологик жиҳатдан афзалликларга оид масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Илмий-техника маркази масъулияти чекланган жамияти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁАЗ-ФА-Ф0-015 «Чархпалак паррагининг оптимал жойлашган бурчагини аниқлаш асосида микро ГЭС энергия самарадорлигини ошириш» (2015-2016) ва БФ2-001-рақамли «Интеллектуал электр тармоқларининг энергия самарадорлигини баҳолаш услублари ва назариясини ривожлантириш ҳамда уларнинг иш режимларини оптимал бошқариш тизими моделини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизими иш ҳолатларини моделлаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси тизимидаги мавжуд электр тармоқларининг жорий ҳолатини объект танлаш нуқтаи назаридан ўрганиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимлар иш режимини бошқариш учун математик модель ва алгоритм ишлаб чиқиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизим структураси ва иш ҳолатини тадқиқ қилиш учун имитацион модель ишлаб чиқиш;

микро электр тизимларда электр энергия истеъмолининг қисқа муддатли башоратлаш усулини ишлаб чиқиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимнинг энергетик ва иқтисодий-экологик самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Уйчи тумани электр таъминоти корхонасига қарашли 10 кВли «Шимолий Фарғона канали» номли электр узатиш тармоғи автоном микро электр тизим сифатида танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини истеъмолчилар электр таъминотига қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги автоном микро электр тизимларни қўллаш таъсирини техник-иқтисодий асослаш усули ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида микро электр тизимларни техник-иқтисодий баҳолаш учун корхона маълумотларини қайта ишлашда математик статистика, иқтисодий самарадорликни баҳолаш, гуруҳли аргументларни ҳисобга олиш, сунъий нейрон тармоқлар, интерполяция ва кўрсаткичларнинг боғланишларини қуришда математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимининг иш ҳолатларини эътиборга олган ҳолда микро электр тизими таркибига кирувчи элементларнинг математик моделлари ва унинг қувват баланси ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизими таркибига кирувчи электр энергия манбаларини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларда электр энергия истеъмолининг қисқа муддатли башоратлаш усули ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларда солиқларни инобатга олган ҳолда инвестицион лойиҳаларни иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

интеллектуал тармоқларни электр энергетика тизимида қўллаш, энергия самарадорлигини ошириш, электр энергетика тизимидаги исрофларни камайтириш, тизимнинг ишончилигини ошириш, энергетика объектларининг атроф-муҳитга бўлган таъсирини камайтириш ва энергия манбаларининг қайта тикланувчи турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги оширилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларда электр энергия оқими ва йўналишини аниқлаш (соатлик, суткалик, ойлик ва йиллик) бўйича ва Ўзбекистон Республикаси минтақаларида жойлашган электр энергия манбаларини аниқлаш бўйича ЭҲМ учун дастурлар ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларда электр энергия балансини шакллантирувчи усул ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимининг блок-схемаси ишлаб чиқилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимида электр энергия истеъмолини башоратлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қабул қилинган таққослаш мезонларига асосланади ва аналитик формулалар билан тасдиқланиб, назарий ва экспериментал маълумотларнинг қиёсий таҳлилини, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, шунингдек, микро электр тизимида ишлаб чиқарилаётган суткалик қувватлар ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни акс эттирувчи функцияларни ифодаловчи компьютер дастурининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайта тикланувчи энергия манбалари

асосидаги микро электр тизим ва унинг элементларининг математик модели, микро электр тизимларда электр энергия балансини шакллантирувчи усул ва микро электр тизимининг блок-схемаси ишлаб чиқилганлиги, энергия истеъмолини башоратлаш кўрсаткичлари аниқлигини ошириш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика электр энергетика тизимидаги марказлаштирилган электр таъминотида уланмаган истеъмолчиларни қайта тикланувчан энергия манбалари ёрдамида электр энергияси билан таъминланиши ҳисобига микро электр тизим ишончилигининг ортиши, электр энергия истеъмолини башоратлаш усуллари аниқлигининг ошиши натижасида электр энергия истеъмоли қийматининг тўғри аниқланиши ва корхонанинг электр энергия исрофи ҳамда эксплуатацион харажатларини камайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги автоном микро электр тизимларни яратиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва электр энергия истеъмолини башоратлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимда электр энергия ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш ва электр энергия манбалари асосидаги қувват балансини шакллантириш орқали микро электр тизим ҳамда унинг элементларининг математик модели «Наманган ҲЭТК» АЖга қарашли Уйчи туман электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 03-13-5198-сон маълумотномаси). Натижада микро электр тизимдаги электр энергия манбаларига таъсир этувчи турли иқлимий омиллар ва ҳар хил режимларни баҳолаш имконини берган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимдаги электр станцияларни бошқариш алгоритми «Наманган ҲЭТК» АЖга қарашли Уйчи туман электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 03-13-5198-сон маълумотномаси). Натижада тизим операторлари учун микро электр тизимнинг суткалик иш режимлари тўғрисида ишончли ахборот бериш имконияти яратилган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларда электр энергия истеъмолининг қисқа муддатли башоратлаш усули «Наманган ҲЭТК» АЖга қарашли Уйчи туман электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 03-13-5198-сон маълумотномаси). Натижа корхонада электр энергия истеъмолини башоратлашдаги нисбий хатоликни 8,33% гача камайтириш имконини берган;

қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги автоном микро электр тизим «Наманган ҲЭТК» АЖга қарашли Уйчи туман электр таъминоти корхонасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 03-13-5198-сон маълумотномаси). Натижа корхона учун йилига ўртача 92,132 млн. сўм миқдорида фойда олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманлари ва семинарларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 3 та мақола (Scopus маълумотлар базасига киритилган журналларда 2 та мақола), Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари (PhD) нинг асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган республика журналларида 7 та мақола, 3 та ЭҲМ дастурлари учун гувоҳнома, илмий анжуманлар тўпламларида 12 та тезис мавжуд.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тизимидаги мавжуд электр тармоқларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва замонавий микро электр тизимларни яратиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда мавжуд электр узатиш тармоқларининг жорий ҳолати, ҳудудий энергия узелларидаги электр энергия ишлаб чиқариш салоҳияти, мамлакатимиздаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятлари ҳамда интеллектуал электр тармоқлари концепцияси асосидаги микро электр тизимларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили баён этилган. Тадқиқот иши доирасида, қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларнинг замонавий ҳолати бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бир нечта электр энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларнинг рационал таркибини аниқлаш ва уларнинг ишлаш режимлари самарадорлигини ошириш ҳамда микро электр тизимларда электр энергия истеъмолини нисбатан аниқроқ башоратлаш муаммолари етарлича ўрганилмаган. Олиб борилган илмий таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Мамлакатимиздаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг потенциалини инобатга олган ҳолда микро электр тизимнинг блок-схемаси ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Микро электр тизим блок-схемаси.

Микро электр тизимларни локал (ёки паст кучланишли) электр узатиш тармоқларига интеграциялашда бир нечта блокларга ажратилган. Электр энергия ишлаб чиқариш блокида электр станциялари, ўзгарткич-тақсимловчи блокда ишлаб чиқарилган электр энергия қийматини ўзгартирувчи (инвертор, контроллер ва ҳ.к. лар), ростловчи ва тақсимловчи электр қурилма, истеъмолчи блокида эса электр энергия истеъмолчилари жойлашган.

Диссертациянинг «Микро электр тизим иш режимларини бошқаришнинг математик моделини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида микро электр тизимда электр энергия ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш ва қувват балансини шакллантириш асосида микро электр тизимнинг математик модели ишлаб чиқилган. Микро электр тизимда асосий электр энергия манбалари сифатида ФЭС, ШЭС, МГЭС ва ДЭС (АКБ) танлаб олинган.

Фотоэлектрик панелни моделлаштириш. Кун давомида ФЭП томонидан ишлаб чиқариладиган ўртача электр энергия (кВт·соат):

$$W_{\text{ФЭП}} = H_T \cdot S_{\text{ФЭП}} \cdot \eta_{\text{ФЭП}} \cdot \eta_{\text{инв}} \cdot [1 - \beta(T_{\text{ФЭМ}} - 25)] \cdot (1 - \lambda); \quad (1)$$

бунда, $W_{\text{ФЭП}}$ - ФЭПнинг кун давомидаги ишлаб чиқарган электр энергияси (кВт·соат); H_T - умумий нурланиш йиғиндиси (GTI) (кВт·соат/м²); $S_{\text{ФЭП}}$ - ФЭПнинг нурланишни қабул қилувчи сирт юзаси (м²); $\eta_{\text{ФЭП}}$ - ФЭМнинг 25 °С ФИКи; $\eta_{\text{инв}}$ - ФЭПга ўрнатилган инверторнинг ФИКи; β - ФЭМнинг ҳарорат коэффиценти (1/°С); $T_{\text{ФЭМ}}$ - ФЭМ сиртининг ҳарорати (°С); λ - чангланиш, ёмғир, шамол ва ток ўтказувчи симлардаги энергия йўқотишлар йиғиндиси.

ФЭС томонидан ишлаб чиқариладиган йиллик электр энергия миқдори (Вт·соат):

$$W_{\text{ФЭС}}^{\text{кут.}} = \sum_{i=1}^k H_{T_i} \cdot S_{\text{ФЭП}} \cdot \eta_{\text{ФЭП}} \cdot \eta_{\text{инв}} \cdot [1 - \beta(T_{\text{ФЭМ}} - 25)] \cdot (1 - \lambda) \cdot N_{\text{ФЭП}}; \quad (2)$$

бунда $N_{\text{ФЭП}}$ - ФЭПлар сони (дона).

Шамол энергетик қурилмасини моделлаштириш. Шамол оқимининг ўртача солиштирма қуввати қуйидагича аниқланади:

$$P_{\text{ўр.сол}}(t) = \frac{1}{2} \frac{dm}{dt} v_{\text{ўрм}}^2 = \frac{1}{2} \rho \cdot A \cdot C_p(\lambda, \beta) \cdot v_{\text{ўрм}}^3(t); \quad (3)$$

бунда ρ -ҳавонинг зичлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$); A -Омета ротор юзаси (м^2); $v_{\text{ўр}}$ - шамолнинг ўртача йиллик тезлиги ($\text{м}/\text{с}$); $C_p(\lambda, \beta)$ -роторнинг λ (нисбий тезлик) ва β (паррақларнинг бурилиш бурчаги (тандаж бурчаги)) функцияси ҳисобланадиган қувват (аэродинамик, шамолдан фойдаланиш) коэффиценти. Назарий жиҳатдан қувват коэффицентининг максимал қиймати $C_p = 16/27 = 0,593$ га тенг бўлиб, одатда Betz коэффиценти деб ҳам аталади. Кичик қувватли ШЭҚ учун $C_p \approx 0,35$ ($\eta \approx 0,85$).

Шамол энергетик қурилмасининг номинал қуввати:

$$P_{\text{ном}}(t) \approx P_{\text{ўр.сол}} \cdot \eta_{\text{ред}} \cdot \eta_{\text{ген}} = \frac{1}{2} \rho A C_p(\lambda, \beta) \cdot v_{\text{ўрм}}^3(t) \cdot \eta_{\text{ред}} \cdot \eta_{\text{ген}} \cdot \eta_{\text{инв}}; \quad (4)$$

бунда $\eta_{\text{ред}}$ - редукторнинг ФИК (%); $\eta_{\text{ген}}$ - генераторнинг ФИК (%); $\eta_{\text{инв}}$ - инверторнинг ФИК (%).

Шамол электр станциясининг ўртача йиллик ишлаб чиқариладиган (кутилаётган) ўртача электр энергия миқдори, (Вт · соат):

$$W_{\text{ШЭС}}^{\text{кут}} = T_{\text{ШЭС}} \cdot \sum_{i=1}^m F_i(v) \cdot P_{\text{ном}}(t); \quad (5)$$

бунда, $T_{\text{ШЭС}}$ -йил давомида ШЭСнинг ўрнатилган қувватдан фойдаланиш соатлари; m -шамол тезлигининг градациялар сони; $F_i(v)$ - градациялар бўйича тезликнинг такрорийлиги; $P_{\text{ном}}$ -ШЭС иш тавсифини белгиловчи, жорий шамол тезлиги учун чиқувчи қувват (Вт).

Микрогидроэнергетик қурилмани моделлаштириш. микроГЭСнинг қуввати дарё сув оқимининг параметрларига, станция ва электр станцияларининг тавсифларига боғлиқ:

$$P_{\text{мГЭС}}(t) = \rho \cdot g \cdot Q_{\text{хис.}}(t) \cdot K_{\text{сарф}} \cdot H(t) \cdot \eta_{\text{ген}}; \quad (6)$$

бунда, $P_{\text{мГЭС}}(t)$ -микроГЭСнинг ўрнатилган қуввати (Вт); ρ -сувнинг зичлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$); g –эркин тушиш тезланиши ($\text{м}/\text{с}^2$); $Q_{\text{хис.}}(t)$ - сув сарфи ($\text{л}/\text{с}$); $K_{\text{сарф}}$ – сарф коэффиценти, тўғонли ГЭС учун сарф коэффиценти бирга тенг, деривацион


канал учун бирдан нисбатан кам; $\eta_{ген}$ - электр генераторнинг ФИК (%); $H(t)$ – (Нетто) босим (м).

МикроГЭСнинг йиллик ишлаб чиқариши кутилаётган электр энергияси миқдори:

$$W_{МГЭС}^{кут.}(t) = T_{иш} \cdot \sum_{i=1}^m P_{МГЭСi}(t); \quad (7)$$

бунда, $T_{иш}$ - микроГЭСнинг йил давомидаги ишлаш вақти, (соат).

Микро электр тизими таркибидаги микроГЭСнинг имитацион модели MATLAB/Simulinkда ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. МикроГЭСнинг имитацион модели.

Дизель-генератор энергетик қурилмасини моделлаштириш. Дизель-генератор қурилмасини танлашда, қурилманинг нархи, дизель агрегати ишининг ишончлилиги ва узоқ муддат ишлашига таъсир кўрсатувчи кўпгина омилларни инобатга олиш керак. Микро электр тизимда электр энергиясига бўлган талаб ортган вақтларда электр энергия танқислигини қоплаш учун дизель агрегатидан фойдаланилади ва унинг ёқилғи сарфи куйидаги формуладан ҳисобланади:

$$F_{ДЭС}(t) = F_S P_{ДЭС}(t) + F_i P_{ДЭС,ном}, \quad \forall t \in T; \quad (8)$$


бунда, $F_{ДЭС}$ – ёнилғи сарфи (л/соат) салт ёқилғи истеъмоли билан аниқланади. F_S – юклама қиймати нолга тенг бўлганда ёқилғи сарфи (л/соат); F_i – аниқ бир дизель генератори учун солиштирма ёқилғи сарфи, (л/кВт·соат); $P_{ДЭС}$ – дизель генераторидан чиқувчи кувват; $P_{ДЭС,ном}$ – дизель генераторининг номинал куввати (Вт); T –моделлаштиришдаги барча босқичларнинг вақти (соат).

Суткалик графикнинг i – босқичида дизель-генератор ишлаб чиқарадиган электр энергия миқдори (кВт·соат):

$$W_{\text{иш.ч}_i} = P_{\text{истеъмоли}} \cdot t_i; \quad (9)$$

бунда: t_i - суткалик графикнинг i – босқичида ДЭС ишлаш вақти, соат.

3-расмда ДЭСнинг намунавий модели Simulink ёрдамида ишлаб чиқилган. Параметрлари сифатида ростлагичнинг кучайтириш коэффициенти, айланишлар сонини ростловчи доимий катталиқ, механик ташкил этувчи доимий катталиқ, момент бўйича секинлатиш ва чеклаш олинган.



3-расм. ДЭСнинг имитацион модели.

Электр энергиясини захираловчи қурилмани моделлаштириш. Электр энергиясини захираловчи қурилмаларнинг турларига кўра, микро электр тизимларида асосан учта мақсад учун фойдаланилиши тадқиқ этилди: 1. Электр таъминоти сифатини таъминлаш. 2. Заҳира қувват манбаи вазифасини бажариш. 3. Электр энергетика тизимлари иш режимини бошқариш.

Аккумулятор батареясининг (A_{AB}) автономлиги қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$A_{AB} = \frac{N_{AB} \cdot U_{\text{ном}} \cdot Q_{\text{ном}} \left(1 - \frac{SOC_{\text{min}}}{100}\right) \cdot 24 \frac{\text{соат}}{\text{кун}}}{L_{\text{ўрт}} \cdot \left(100 \frac{\text{Вт} \cdot \text{соат}}{\text{кВт}}\right)}; \quad (10)$$

бунда, N_{AB} - батареялар блокидаги батареялар сони (дона); $U_{\text{ном}}$ – битта батареядаги номинал кучланиш (В); $Q_{\text{ном}}$ - битта батареянинг номинал сифими ($A \cdot \text{соат}$); $L_{\text{prim-ўр}}$ – сутка давомидаги ўртача қиймат;

Аккумулятор батареясининг ички энергияси:

$$W_{AB}^B = C_{AB}^B \cdot U_{AB}^B; \quad (11)$$

бунда, C_{AB}^B - вақт оралиғининг бошланиши Δt даги аккумулятор батареясининг сифими (А·соат); U_{AB}^B - вақт оралиғининг бошланиши Δt даги аккумулятор батареясидаги кучланиш (В).

Микро электр тизимда ишлаб чиқарилиши кутилаётган электр энергия миқдори (кВт·соат):

$$W_{MЭТ} = W_{ФЭП}^{кут.} + W_{ШЭС}^{кут.} + W_{МГЭС} + W_{ДЭС} + W_{AB}^B; \quad (12)$$

Микро электр тизимдаги қувват функцияси қуйидагича ифодаланади:

$$P_{\Sigma}(t) = P_{ФЭС \max}(t) + P_{ШЭС \max}(t) + P_{МГЭС \max}(t) + P_{ДЭС \max}(t) + P_{AB \max}(t) - \sum \Delta P(t) - P_{юк}(t); \quad (13)$$

бунда $P_{юк}(t)$ – истеъмолчилар юкласи (кВт); $\sum \Delta P(t)$ -микро электр тизимдаги умумий қувват исрофи (кВт).

$$\sum \Delta P(t) = \Delta P_{ФЭС}(t) + \Delta P_{ШЭС}(t) + \Delta P_{МГЭС}(t) + \Delta P_{ДЭС}(t) + \Delta P_{AB}(t) + \Delta P_{KM}(t) + \Delta P_{инв}(t) + \Delta P_{тр}(t) + \Delta P_{хт/кт}(t); \quad (14)$$

бунда $\Delta P_{ФЭС}$ - ФЭСдаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{ШЭС}$ -ШЭСсидаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{МГЭС}$ -микроГЭСдаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{ДЭС}(t)$ -ДЭСдаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{AB}(t)$ –аккумулятор батареясидаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{KM}(t)$ –кучланишни мўтадиллашдаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{инв}(t)$ –инвертордаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{тр}(t)$ –трансформатордаги қувват исрофи (кВт); $\Delta P_{хт/кт}(t)$ – ҳаво (кабель) электр узатиш тармоғидаги қувват исрофи (кВт).

Қувват функцияси $P_{\Sigma}(t)$ ўзгарувчан функция бўлиб, агар унинг ишораси мусбат (+) бўлса, у ҳолда микро электр тизимда ишлаб чиқарилаётган қувват тўғридан-тўғри истеъмолчиларни таъминлаш ва аккумулятор батареясини зарядлаш учун етарлидир.

$$P_{\Sigma}(t)^+ = \begin{cases} P_{\Sigma}(t); (P_{\Sigma}(t) > 0) \wedge (Q_{AB}^{max} - Q_{AB}^{TM}(t)) \geq \eta_{AB} \cdot \eta_{ўзг} \cdot P_{\Sigma}(t) \cdot \Delta t \\ \frac{Q_{AB}^{max} - Q_{AB}^{TM}(t)}{\Delta t}; (P_{\Sigma}(t) > 0) \wedge (Q_{AB}^{max} - Q_{AB}^{TM}(t)) < \eta_{AB} \cdot P_{\Sigma}(t) \cdot \Delta t \\ 0; (P_{\Sigma}(t) < 0) \end{cases} \quad (15)$$

Агар унинг ишораси манфий (-) бўлса, у ҳолда микро электр тизимда ишлаб чиқарилаётган қувват тўғридан-тўғри истеъмолчиларни таъминлаш учун етарли миқдорда эмас ва етишмаётган қувват аккумулятор батареясидан олинади.

$$P_{\Sigma}(t)^- = \begin{cases} P_{\Sigma}(t); (P_{\Sigma}(t) < 0) \wedge (Q_{AB}^{min} - Q_{AB}^{TM}(t)) \geq \frac{P_{\Sigma}(t) \cdot \Delta t}{\eta_{инв}} \\ \frac{Q_{AB}^{min} - Q_{AB}^{TM}(t)}{\Delta t} \cdot \eta_{инв}; (P_{\Sigma}(t) < 0) \wedge (Q_{AB}^{min} - Q_{AB}^{TM}(t)) < \frac{P_{\Sigma}(t) \cdot \Delta t}{\eta_{инв}} \\ 0; (P_{\Sigma}(t) > 0) \end{cases} \quad (16)$$

Аккумулятор батареясининг ҳақиқий сифими (А·соат) куйидагича ифодаланади:

$$Q_{AB}(t) = Q_{AB}(t - 1) + (P_{\Sigma}(t)^+ + P_{\Sigma}(t)^-) \cdot \Delta t; \quad (17)$$

Агар аккумулятор батареяси орқали таъминланаётган вақтда ҳам қувват танқислиги вужудга келса, у ҳолда ДЭС ишга туширилади. ДЭС ишга тушириш вақтини аниқлаш ФЭС, ШЭС ва микроГЭСлардан чиқувчи қувватларни ростлаш учун “**микро электр тизими қувват баланси**” (МЭТҚБ) деган тушунча киритилади:

$$P_{\text{МЭТҚБ}}(t) = P_{\text{юк}}(t) + \sum \Delta P(t) - P_{\text{ШЭС}}^{\text{max}}(t) - P_{\text{ФЭС}}^{\text{max}}(t) - P_{\text{МГЭС}}^{\text{max}}(t) - (P_{\Sigma}(t)^+ + P_{\Sigma}(t)^-); \quad (18)$$

Диссертациянинг «**Микро электр тизимдаги электр энергия манбаларининг самарали таркибини танлаш ва иш режимларини бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобда электр энергия манбаларини танлаб олишда асосан қандай турдаги мезонларга эътибор қаратиш лозимлиги ва микро электр тизим суткалик иш режимини бошқариш алгоритми келтириб ўтилган.

Микро электр тизимларида ўрнатилган электр станциялари самарадорлигини баҳолашда “ўрнатилган қувватдан фойдаланиш мезони” дан фойдаланилди. Ҳар бир турдаги энергетик қурилма учун шундай турдаги ресурс тури танлаб олиндики, бу даражада келувчи ресурсларнинг нисбатан самаралироғи аниқланади:

$$K_{\text{ўқфм.}i,j} \rightarrow \text{max}; \quad (19)$$

Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимларида қайта тикланувчи энергия манбаларининг рационал таркиби ва сонини аниқлаш масаласини математик жиҳатдан шакллантириш йиллик электр энергиясини истеъмол қилиш ва ўрнатиладиган қурилмалар сонини ҳисобга олган ҳолда электр энергия ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини акс эттирадиган объектив функциянинг максимал миқдорини аниқлаш учун қисқартирилади.


$$f(n) = \sum_{i=1}^I W_{i \text{ йил}} n_i \rightarrow \text{max}; \quad i = \overrightarrow{1, \dots, I} \quad (20)$$

$$\begin{cases} \sum_{i=1}^I W_{i \text{ йил}} n_i \leq k_n W_{\text{йил}}^{\text{ист}} \\ n_i \leq n_i^{\text{max}}; \end{cases} \quad (21)$$

бунда $W_{i \text{ йил}}$ — i -қайта тикланувчи энергия ресурслари истеъмол қиладиган энергетик қурилманинг йиллик ишлаб чиқарадиган электр энергияси миқдори (кВт·соат/йил); n_i — i -ресурс истеъмол қиладиган электр таъминоти манбаларининг сони (дона); i —фойдаланиладиган ресурс тури; I — микро электр

тизимдаги кўпгина ресурслар тури; $W_{\text{йил}}^{\text{ист}}$ – микро электр тизимдаги йиллик электр энергия истеъмоли (кВт·соат/йил); $k_n=1,05-1,15$ –ҳақиқий қийматга нисбатан ҳисобланган қийматларнинг хатолигини инобатга олувчи доимий коэффициент.


4-расмда микро электр тизим суткалик иш режимларини бошқариш алгоритми келтирилган.



4-расм. Микро электр тизим иш режимини бошқариш алгоритми.


бунда $W_{\text{н.АБ}}$ - аккумулятор батареясининг номинал қиймати (кВт·соат); $P_{\text{ФЭС}}$, $P_{\text{ШЭС}}$, $P_{\text{МГЭС}}$ ва $P_{\text{ДЭС}}$ – ФЭС, ШЭС, микроГЭС ва ДЭСларининг жорий қуввати, Вт; $P_{\text{юклама}}$ – истеъмол қилинаётган юкламанинг жорий қуввати (кВт); $P_{\text{ортиқча}}$ - микро электр тизимда ҳосил бўлган ортиқча қувват (кВт); $P_{\text{ҚТЭМ}}$ -қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқарадиган қувват (кВт). $S_{\text{дэс}}$ –дизель электр станциясини тавсифловчи катталик: $S_{\text{дэс}}=1$ да дизель электр станцияси ишлайди.

Микро электр тизимда электр энергия ишлаб чиқарилишига асосий таъсир этувчи омиллар (шамол тезлиги, қуёш нурланиши, сув оқимининг тезлиги, атроф-муҳит ҳарорати ва ҳ.к)ларни инобатга олган ҳолда микро электр тизимларнинг суткалик иш режимини аниқлаш учун ЭҲМ дастурлари ишлаб чиқилган (DGU 05535 ва DGU 08884) (5-расм).




5-расм. Микро электр тизимнинг суткалик иш режими.

Микро электр тизим (объекти) сифатида «Наманган ҲЭТК» АЖ Уйчи туман электр таъминотидаги тасарруфидаги 10 кВли «Шимолий Фарғона канали» электр узатиш тармоғи (фидери) танлаб олинган. Яъни микро электр тизими марказий электр тармоғига уланган ва автоном (қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги электр манбалар орқали) электр энергияси билан таъминланаётганда ўткинчи жараёнлар, исрофлар ва қувватлар оқими ҳамда иш режимлари Electrical Transient Analyzer Program (ETAP) дастури ёрдамида ҳисобланди (6-расм).




6-расм. Микро электр тизимда кучланиш тушуви ва қувватлар оқими.

Шимолий Фарғона канали фидеридаги электр энергия истеъмолини башоратлашда интеллектуал усуллар орасидан сунъий нейрон тармоқлар (ANN, Neural Net Fitting (Matlab) ва аргументларни гуруҳли ҳисобга олиш (GMDH, GMDH Shell DS 3.8.9) усуллари танлаб олинди. Ҳисоблаш натижаларига кўра, нисбий хатолик Neural Network Fittingда 8,33%ни, GMDH эса 13,87% ни ташкил этди (7-расмга қаранг).




7-расм. ф.ШФКдаги электр энергия истеъмолининг ўзгариш графиги.



8-расм. Ёзги ва қишки мавсум ларда ф.ШФКдаги фаол қувватнинг энг катта қиймати.


Диссертациянинг «Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида Шимолий Фарғона канали фидерида уланган электр энергия истеъмолчилари учун автоном микро электр тизимни яратишнинг техник-иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарадорлиги аниқланган. Дастлаб, Шимолий Фарғона канали фидерининг ёз ва қиш мавсумларидаги фаол қувватнинг энг катта қийматлари ҳамда йиллик электр энергияси истеъмоли аниқланган (8-расм).

Худудда қайта тикланувчи энергия манбаларининг потенциалини аниқлаш мақсадида синов ишлари олиб борилган. Хусусан, Хелман қонунидан фойдаланган ҳолда $h=10\div 80$ м баландликлар оралиғида шамол тезликлари ҳисобланиб (9-расм), микро электр тизим учун учун АН10000 маркали шамол электр қурилмаси (“шамол гули” ҳам инобатга олинган) танлаб олинди.




9-расм. Шамол тезлигининг йил давомидаги ўртача ўзгариши v_{yp} (м/с) ва шамол оқимининг солиштирма қуввати $W_{сол}$. (Вт/м²).

Метеорологик тадқиқот натижаларига асосан танлаб олинган ҳудуд учун горизонтал сиртга тушаётган йиллик қуёш нурланишининг оғиш бурчагига боғлиқлиги аниқланди (10-расм).



10-расм. Ҳудуд учун ясси сирт юазасига тушувчи йиллик GTI қиймати сиртнинг ўрнатилиш йўналиши ва горизонтга нисбатан қиялик бурчагига боғлиқлиги.



11-расм. Сенкей диаграммаси. 50 кВтли ФЭС ишлаб чиқарадиган ўртача йиллик электр энергияси миқдори.

Ассимиляцияцион таҳлил натижаларига кўра, қуввати 50 кВт (ФИК 15,42% бўлган КК280Р-3СD3СG маркали 1662×990 мм² ва $P_{max}=280$ Вт) бўлган қуёш

фотоэлектрик станциясининг ўртача йиллик унумдорлиги 52,2 МВт·соатни ташкил этди (11-расм).


Микро электр тизимда микроГЭСдан фойдаланиш мақсадида танлаб олинган ҳудуд яқинидан ўтувчи Шимолий Фарғона каналининг сув сарфи (гидрографи) ўлчанди. Ҳисоблаш натижаларига кўра, микроГЭС куриш учун техник потенциал мавжудлиги аниқланди ва Россиянинг “МНТО ИНСЭТ” корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган микроГЭС тури танлаб олинди (1-жадвал)³.

1-жадвал.


Парракли гидротурбинали мГЭСнинг техник тавсифи.

Параметр-лари	$P_{\text{НОМ}}$, кВт	Сув босими, м	Сув сарфи, м ³ /с	ω , мин ⁻¹	$U_{\text{НОМ}}$, В	f , Гц
микроГЭС 50Пр	10÷50	2,0-6,0	0,3-0,8	600	230, 400	50
		4,0-10,0	0,4-0,9	750		

Автоном микро электр тизимдаги электр станциялари йил давомида ўртача қуйидаги миқдорда электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга эканлиги аниқланди (12-расм).




12-расм. Микро электр тизимдаги электр энергия манбалари ишлаб чиқарадиган йиллик ўртача электр энергия миқдори (кВт·соат).




13-расм. Шамол элеткр станцияси ишлаб чиқараётган электр энергия таннархининг унинг қувватига боғлиқлик графиги.

Келгусида микро электр тизимда энергетика бозорини шакллантириш мақсадида, электр энергия манбаларининг турли хил қувватларда ишлаб чиқарадиган электр энергиясининг таннархи аниқланди (13- ва 14-расм).



14-расм. Фотоэлектрик станция ишлаб чиқараётган электр энергия таннархининг унинг қувватига боғлиқлик графиги.



15-расм. Микро электр тизимдаги электр станцияларнинг ўзини қоплаш муддати.

Микро электр тизимни қуриш самарадор бўлиши учун: ички меъёрий даромад (ВНД) ва соф дисконтланган даромад (ЧДД) → тахга, $T_{\text{хис}} \rightarrow 0$ га интилиши керак. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан микро электр тизимдаги электр станцияларнинг ўзини қоплаш муддати аниқланди (15-расм).

Ҳисоблашлар услубида бир нечта (электр қурилмаларини кредитга олиш имконияти, инфляция, ишчи кучи ва келгуси киритилиши мумкин бўлган турли хил солиқлар ва бошқа) омиллар инобатга олинган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Танлаб олинган ҳудуддаги микро электр тизимида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг таннархи.

№	Микро электр тизимдаги электр энергия манбаларининг тури	Ўрнатилган қувват (кВт)	Йиллик ўртача ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори (кВт·соат)	1 кВт·соат электр энергияси таннархи (сўм/кВт·соат)	
				1 та ишчи кучи ҳисобга олинган	1 та ишчи кучи ҳисобга олинмаган
1.	МикроГЭС	50	240 000	108,05	47,78
2.	ШЭС	50	25 000	2974,37	2356,61
3.	ФЭС	50	52 000	1051,2	753,9
4.	ДЭС	50	75 350	2788,5	2579,4

Ҳисоблаш натижаларига кўра, техник ва иқтисодий жиҳатдан танлаб олинган ҳудуддаги автоном микро электр тизими учун электр энергия манбаи сифатида микроГЭСни танлаб олиш мақбул вариантлиги аниқланди.

ХУЛОСА

«Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизимлар» мавзусидаги техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси тизимидаги мавжуд электр тармоқлари объект танлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Натижада электр энергияси танқислиги вужудга келаётган Шарқий худудий энергия узелидаги қайта тикланувчи энергия ресурслари салоҳияти яхшироқ бўлган худуд (Шимолий Фарғона канали фидери) микро электр тизим учун танлаб олинган.

2. Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизим структураси, иш режимлари, электр энергия манбаларини бошқариш учун умумий алгоритм, дастурий маҳсулот ва имитацион модель ишлаб чиқилган. Натижада ишлаб чиқилган дастур ва имитацион моделлар ёрдамида турли хил синов ва ҳисоблаш ишлари олиб борилиб, нисбатан мақбул вариант танлаб олинган.

3. Микро электр тизимларида қисқа муддатлар учун электр энергия истеъмолини башоратлаш учун сунъий нейрон тармоқларидан фойдаланиш афзаллиги аниқланди. Натижада микро электр тизимларида келгуси кунлик (соатлик) электр энергияси истеъмолининг ўзгариш графиги тўғрисида нисбатан реал ахборот (нисбий хатолиги 8,33%) олиш имконияти яратилган.

4. Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги микро электр тизими экологик жиҳатдан нисбатан соф ҳисобланиб, танланган худуд учун атроф-муҳитга зарарли газлар чиқишини сезиларли даражада йилига 359,13 кг CO₂, 0,99 кг CH₄ ва 1,98 кг N₂O камайтириш имконини берган.

5. Ушбу диссертация доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари «Наманган ҲЭТК» АЖ Уйчи туман электр таъминоти корхонасида автоном микро электр тизимини яратиш учун жорий этилган. Натижада олинувчи йиллик иқтисодий самара 92,132 миллион сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/10.12.2019.Т.03.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР**

ИЗЗАТИЛЛАЕВ ЖУРАБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**МИКРОЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СИСТЕМЫ НА ОСНОВЕ
ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ**

05.05.01 –«Энергетические системы и комплексы»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за B2020.4.PhD/T85 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в обществе с ограниченной ответственностью «Научно-технический центр».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу <http://www.tdtu.uz> и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный консультант:	Муратов Хаким Махмудович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гайибов Тулкин Шерназарович доктор технических наук, профессор
	Болтаев Отабек Ташмухамматович доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент
Ведущая организация:	«Узэнергоинжиниринг» АО

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании научного совета DSc. 03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел. : (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер ___). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел. : (99871) 246-46-00.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2021 г.)

К.Р. Аллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик.

О.Х. Ишназаров
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

М.И. Ибадуллаев
Преседатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется таким вопросам, как стабилизация экологического баланса и экономии различных углеводородных видов топлива, использованию нетрадиционных и возобновляемых источников энергии, расширению масштабов качественного и непрерывного снабжения потребителей производимой электроэнергии. В современных развитых странах «... современной энергетической отрасли необходимо решить три основных, но часто противоречащих друг другу задач: обеспечение безопасности, повышение энергоэффективности и борьба за экологическую чистоту»¹. В связи с этим особое внимание в мировой практике уделяется использованию возобновляемых источников энергии, а также исследованиям в этой области, включая разработку экологически чистых систем электроснабжения.

В мире в энергетическом секторе развитых стран проводятся исследования по повышению надежности электроснабжения потребителей за счет внедрения микроэлектрических систем, предотвращения чрезмерных потерь при передаче электроэнергии и производстве экологически чистой (дешевой) электроэнергии. В этом направлении, в частности, приоритетными являются исследования технико-экономических и экологических основ создания микроэлектрических сетей на основе возобновляемых источников энергии, а также методов повышения эффективности их использования, вытекающих из внутренних возможностей региона. В то же время создание интеллектуальных автономных микроэлектрических систем, разработка алгоритма управления рабочих режимов, разработка метода краткосрочного прогнозирования потребления электроэнергии и определение энергетической и экономически-экологической эффективности является одной из актуальных задач.

В энергетическом секторе республики, который является одним из важнейших секторов экономики, в стране приняты меры по производству экологически чистой электроэнергии с использованием возобновляемых источников, а также по повышению надежности электроснабжения потребителей, сокращению потерь энергии, внедрению энергосберегающих технологий. В частности, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах определены такие задачи как «... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики»². Одним из важных вопросов является реализация этих задач, включая создание автономных микроэлектрических систем на основе возобновляемых источников энергии,

¹ <https://www.elec.ru/interview/intellektualnye-mikroseti-svyazuyushee-zveno-mezhd/>

² Указ Президента Республики Узбекистан 07.02.2017 г. № УП-4947 О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан

выявление факторов, влияющих на производство электроэнергии в этой микроэнергетической системе и оптимизация режимов работы микроэлектрической системы.

Данное диссертационное исследование служит в определенной мере для выполнения задач, предусмотренных в следующих Указах и Постановлениях Президента РУз: №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-3012 от 26.05.2017 г. «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы», №ПП-4422 от 22.08.2019 г. «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», №ПП-4477 от 04.10.2019 г. «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019–2030 годов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан – II «Энергетика, энерго-ресурсосбережение».

